
Тез ёрдам ходимлари бир марталик моддий рағбатлантирилади
Бу ҳақда Адлия вазирлиги ахборот хизмати [хабар берди](#).

“Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлашга жалб қилинган тез тиббий ёрдам ходимларини қўшимча моддий рағбатлантириш тўғрисида” Ҳукумат қарори (458-сон, 30.07.2020 й.) қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлашга жалб қилинган тез тиббий ёрдам ходимлари **қуйидаги миқдорда бир марталик моддий рағбатлантирилади:**

врачларга - **5 млн сўм;**

ўрта тиббиёт ходимлари (фельдшерлар ва санитарлар)га - **4 млн сўм;**

ҳайдовчиларга - **3 млн сўм.**

"Ушбу тўловлар **2020 йил 1 июнгача ишга қабул қилинган ходимларга нисбатан** тадбиқ қилинади", - дейилади Адлия вазирлиги хабарида

2020-08-03 22:43:09